

ОАВ ТИЛИ

МАТБУОТДА ШАРҲ ЖАНРИНИНГ ТИЛИ



Гулнара Палбековна КАЛЛИБЕКОВА

Докторант

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Қорақалпоғистон бўлими.

Қорақалпоқ гуманитар

фанлар илмий-тадқиқот институти

Нукус, Қорақалпоғистон, Ўзбекистон

hurmet_05@mail.ru

Аннотация

Мақолада шарҳ жанри Қорақалпоғистондаги тармоқ газеталари мисолида ўрганилган. Унинг жанрий хусусиятларини таҳлил қилишда маҳаллий журналистлар маҳорати билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилган. Шунингдек, қорақалпоқ матбуотидаги “Қарақалпақ адабияты” ва “Нокис пединституты” газеталаридаги шарҳ жанрида чоп этилган материаллар журналистларнинг тил воситаларидан фойдаланиши жиҳатидан текширилган. Шарҳ жанридаги материалларнинг ўзига хосликлари таъкидланган.

Калит сўзлар: жанр; шарҳ; журнал; газета; тил; услуб; муаллиф.

ЯЗЫК ЖАНРА КОММЕНТАРИЙ В ПЕЧАТИ

Гулнара Палбековна КАЛЛИБЕКОВА

Докторант

Каракалпакский филиал Академии наук Республики Узбекистан

Каракалпакский научно-исследовательский институт

гуманитарных наук

Нукус, Каракалпакстан

hurmet_05@mail.ru

Аннотация

В статье речь идет о языке жанра комментарий, проанализированном в газетах “Қарақалпақ адабияты” и “Нокис пединституты”. В статье также проанализирована тематика комментариев, их жанровые и лингвистические особенности. К тому же всесторонне проанализировано специальное использование элементов языка журналистами в республиканских газетах “Қарақалпақ адабияты” и “Нокис пединституты”. Обозначены приоритетные стороны жанра комментарий.

Ключевые слова: жанр; комментарий; журнал; газета; язык; стиль; автор.

THE LANGUAGE OF THE GENRE OF THE COMMENT IN THE PRESS

Gulnara Kallibekova

Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Karakalpak branch.

Karakalpak Research
Institute of Humanities
Nukus, Karakalpakstan

Abstract

This article analyzes the properties of the use of the comment genre in the industry Newspapers of Karakalpakstan (on the example of the newspapers “Қарақалпақәдебияты” and “НөкисПединституты”). During the analysis, attention was paid to the skill of journalists in the use of this genre.

Keywords: genre; comment; journal; newspaper; language; style; author.

Шарҳ – таҳлилий жанрлардан биридир. “Шарҳда муаллиф долзарб воқеаларга муносабат билдиради, у билан боғлиқ вазифа ва муаммолар, камчилик ва ютуқларни шакллантириб, қисқа тарзда таҳлил қилади. Шунингдек, уларга баҳо бериб, кейинги ривожланишини башорат ҳам қилади” (1, 176).

Газеталарда шарҳ жанри қонун, қарор ва фармонларни жамиятга тушунарли тилда етказиб беришда ҳам ишлатилади. Назарий адабиётларда шарҳ жанрининг бир нечта тури ажратиб кўрсатилган. Уларнинг расмий шарҳ, илмий шарҳ, диний шарҳ, ички ва ташқи шарҳ, публицистик шарҳ каби турлари келтириб ўтилади. Газета саҳифаларида бериладиган шарҳлар, шу соҳанинг мутахассиси томонидан тайёрланади (2, 220–221). Шарҳда сўз юритилаётган мавзунинг долзарблиги, мазмуни, ютуқ ва камчиликлари тўлиқ очиб беришга эришилади.

Ушбу жанр турларидан бири – публицистик шарҳнинг тил ва услуб хусусиятлари хусусида ўзбек журналистикаси тадқиқотчиси М. Худойкулов куйидаги фикрни билдиради: “Публицистик шарҳда қаламга олинаётган факт, ходиса, воқеанинг моҳияти ва у ҳақида билдирилаётган фикр, публицистик мушоҳада ва чиқарилаётган хулоса асосий рол ўйнайди. Шарҳнинг услуби ва тили ҳам мазкур материалнинг қандайлигидан, унинг олдида кўйилган мақсадидан келиб чиқади. Публицистик шарҳнинг тили ва услуби эса илмий, адабий-бадий, расмий шарҳлардан фарқ қилиб, жонли, таъсирчан публицистик тилда бўлиши лозим. Унда мантиқий тафаккур билан жонли фикрга хос тил ва тасвирий воситалар уйғунлашиб кетиши керак” (2, 223).

Ҳақиқатан, бугунги кун қорақалпоқ матбуотида шарҳ жанри хусусиятларидан ҳар томонлама фойдаланишда муайян дастурлар шаклланган дейиш мумкин. Чунки ушбу жанрнинг ўзига хос жиҳатлари, жумладан, таъсирчанлиги журналистларни шарҳ жанридан фойдаланишга ундамоқда. Ушбу мақолада шарҳ жанрининг таъсирчанлигини кўчайтиришда маҳаллий журналистларнинг турли хил тил воситаларидан фойдаланиш дастурларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Шарҳ жанри ва мавзуни баён этишда муаллиф қўллаган тил ва услубни матбуот саҳифаларидан олинган мисоллар орқали кўриб чиқамиз. Жумладан, Қ. Мамбетовнинг “Турмыс сабағының көркем-публицистикалық айнасы” (3), Х. Даўлетназаровнинг “Әдебий жыл жуўмағы” рукнида чоп этилган “Миллий ғазийнемиз” (4), Ж. Отениязовнинг “Әдебий сын” рукнидаги “Талғам менен таңлап оқылғанда... 2017-жылы баспаларда жәрияланған поэзиялық топламлар ҳаққында”(5), Ш. Уснатдиновнинг “Әдебий жыл жуўмағы” рукнидаги “Очерк хәм публицистика баспасөзде тийисли орын алалмай атырш”(6), А. Атажановнинг “Әдебий жыл жуўмағы” рукнидаги “Ири жанрдың әҳмийетли машқалалары”(7) ва “Проза жанры сын тәрезисинде” (8), Қ.Оразимбетовнинг “Әдебий жыл жуўмағы” рукнидаги “Сын дүзелмей мин дүзелмейди”(9) ва А. Абдиевнинг “Киши жанрға үлкен дыққат керек”(9) шарҳларининг мазмуни, баён этиш йўсини ва тил хусусиятларини таҳлил этамиз. Кўриниб турганидек, шарҳ жанридаги материалларнинг муаллифлари соҳа мутахассислари ҳисобланади. Бу материалларда, асосан, “Әмиўдәрья” журнали, “Еркин Қарақалпақстан”, “Қарақалпақстан жаслары”, “Қарақалпақ әдебияты”, “Нөкис Пединституты” ва “Жеткиншек” газеталари объект сифатида танлаб олинган. Уларда насрий тўпламлар, романлар ва газета-журнал саҳифаларида чоп этилган қисса, ҳикоя, адабий таҳрир, адабий-назарий ва публицистик мақолалар кенг турда таҳлил қилинган.

Шарҳ жанрида баён этишнинг тил хусусиятларига эътибор берсак, журнал ёки матбуот саҳифаларида берилган адабий танқид ва адабий-назарий мақолаларнинг муваффақияти ва янгиликлари билан бирга камчиликлари ҳам кўрсатилган. Масалан: “Сын дүзелмей мин дүзелмейди” мавзусидаги шарҳда муаллиф Т. Есемуратовнинг “XIX аср охири XX аср бошлари қорақалпоқ адабиётида жанрий формалар” мақоласига тўхталган: “Муаллифнинг мақсади тўғри. Айни, шу даврдаги жанрий формалар қорақалпоқ адабиётшунослик илмида етарлича тадқиқ этилмади. Аммо, ёш тадқиқотчининг назарий тайёргарлиги тўлиқ эмас. Мақолада хато назарий тушунчалар ўрин олган, муаллиф мавзу ва шаклга тегишли элементларни ҳам тўғри ажрата олмаган”. Шунингдек, ушбу шарҳда муаллиф адабий танқидий мақолаларининг адабиётшуносликда тутган ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб ўтади.

“Әдебий сын” рукнида “Талғам менен таңлап оқылғанда... 2017-жылы баспаларда жәрияланған поэзиялық топламлар ҳаққында” шарҳида Г. Матякубованинг “Гулойим” операси учун либреттоси, “Қорақалпоқ соз дунёсининг сардори” номли публицистик тўпламлари, О. Алеўовнинг “Мазлумхансулыў” тўплами, Ҳайтбай Абдусадиқнинг “Тик туғилган ой”

тўплами ва А. Ўтепбергеновнинг “Аллоҳ янглишмас” достони ва бир қанча ёш ижодкорларнинг китоблари ҳақида умумий шарҳ берилган. Умумий мазмунни ифодалаш орқали муаллиф муваффақиятлари ва камчиликлари кўрсатилган, фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

“*Очерк ҳам публицистика баспасөзде тийисли орын алалмай атыр*” шарҳида қатор бадий асарлар, мақолалар ўрганилган. Г. Турдишованинг “Татыў турмыс елге абат келтирер”, “Тарийхшының тарийхый өмири”, “Ер жигиттин бир мурады ат болар” мақолалари, А. Турекееваннинг “Жасы үлкен”, А. Отениязованинг “Шайыр салтанаты”, А.Пазиловнинг “Философиялық машқалалар шешимин табыўшы – пидайы алым” каби очеркларига ижобий фикр билдирилган.

“Турмыс сабағының көркем-публицистикалық айнасы” номли шарҳда “Nókis Pedinstitutı” газетасининг 2017 йилги сонларида профессор-ўқитувчиларнинг, ёш қалам эгаларининг насрий асарлари ўрганилган. Муаллиф келтирган фактлар ёрдамида ижодкорларнинг қисса ва ҳикоялар мавзулари, уларнинг мазмуни ва уларда кўтарилган муаммоларга тўхталган. Шарҳ қисқа баён қилиш усулида ёзилган.

“Миллий хазинамиз” номли шарҳда “Әмиўдәрья” журналы объект этиб олинган. Журналнинг йил давомидаги олти сонидида чоп этилган асарлар, уларнинг муаллифлари, жанрий хусусиятлари, умумий адади ҳақида сўз боради. Шарҳ қисқа ва аниқ далиллар билан берилган. Фактларда асарнинг мавзуси ва муаллифлари келтириб ўтилган.

Биз ўрганган шарҳ жанридаги материалларнинг мазмунида, бадий асарда сўз қўллаш услуби, тил тозалигини сақлашга ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, “Проза жанры сын тәрезисинде” шарҳида насрий асарлар, шунинг билан бирга ҳикоя ва қиссалар ҳақида сўз боради. Ўз навбатида, бу асарларда муаллифларнинг сўз қўллашдаги хато ва камчиликлари ҳам таҳлил этилган. Масалан: “*Бул халықлар ўәкиллериниң ҳәр бириниң кеўлиндеги кийели сөзлери болғанлықтан*” гапи келтирилади. “Ёш муаллиф” новелласида “кийе” сўзи жуда кўтаринкилик билан қўлланади: “*Мрамордан қапланған кийели Қаратаўдың басында*”, “*Кийели Қаратаў да өз перзентлерин қушақ ашып күткендей*”, “*Кийели Қаратаў да гўә екенлигин еки жас та түсинди*”. Бу ифодаларда муаллифларнинг бошқа тилдаги эмас, балки она тилидаги сўзлар маъносини тўғри тушунмаётганлиги танқид қилинади, танқидчи ўз фикрларини шундай далиллайди: “Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги” 2-том, 345- саҳифасида “Кийе ат. гөн.с. дин, обал, кесапат, ғарғыс”, – деб тушунча берилган. Яна мисол келтирамиз. “*Жасларды жаңа табысларға шарлайды*”, – деган сўзлар

телевидениеда жаранглайди, газетада ёзилади. Юқорида номи келтирилган изоҳли луғатнинг 3-том, 510-саҳифасида: “Шарлаў – көп жерди аралап гезиў, қыдырыў, буйымларды шар тасқа қайраў, егеў”, – деган изоҳни ўқиймиз.

“*Ири жанрдың аҳмийетли машқалалары*” шарҳида романлар, назм-эссе, новелла ва ҳикоялар мазмуни ҳақида сўз юритилган. Шу билан бирга муаллиф фикрни ифодалашда камчиликларга йўл қуйилганини кўрсатади. Масалан: “*Шахсын анықлап жақынларына хабар бериң*”. Бу ўзбек тилидан тилимизга кириб келган сўз. Шу гаптаги *шахс* сўзининг ўрнига қорақалпоқ тилидаги “инсан, адам” сўзларидан бирини кўллаш керак. Сабаби, бу сўз ўзбек тилидагидек аниқ маънони англата олмайди, – деб баён қилган.

“Киши жанрға үлкен дыққат керек” шарҳида насрнинг кичик жанрларидан бири – ҳикоя ҳақида сўз боради. Кўплаб газеталар саҳифаларида ҳикоя мавзуси ва сўз кўллаш услуби ўрганилганлигини кўрамыз. Бу шарҳда ёзувчи А. Атажановнинг асарларида қорақалпоқ тилидаги энг пурмаъно (мағизли) сўзлардан ўринли фойдаланилган деб келтирилади. Айрим муаллифларнинг сўз кўллашдаги саёзлиги, услубий камчиликлари кўрсатилади. Масалан: “Не қыларымды билмей албырап дәрриў баланы көтерип, машынға салдым да машынды ходлап бир шетке шығып машынды тоқтаттым”. Муаллиф ушбу гапта “машина” сўзи қайта-қайта ишлатилганлигини таъкидлайди. Мисолларда келтирилганидек, эскирган сўзлар ёки бошқа тилдан кириб келаётган сўзлар ўз ўрнида кўлланилмаган. Фикр баёнида услубий камчиликларга йўл қуйилган. Бундан кўринадики, шарҳ жанри газета саҳифаларидаги публицистик мақолалар мазмуни, уларнинг жанрий хусусиятларидан ташқари, лексик бирликлардан фойдаланиш масаласига ҳам эътибор қаратади.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлилий жанрлар туркумида етакчи бўлган жанрлардан бири – шарҳ жанри, ўзига хос мавзуси, ифода усули ва тил хусусиятлари билан газетхоннинг эътиборини торта олади. Сабаби, уларда оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган материаллар батафсил ўрганилади, таҳлил этилади ва аҳамиятли мулоҳазалар билдирилади.

Биз ўрганган шарҳ жанридаги материаллар соҳа мутахассислари томонидан тайёрланиб, адабий жараённинг олға интилишида тегишли фикр ва мулоҳазалар бера олганлиги билан диққатга сазовор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳамдамов Ю. Тараққиёт мезони. – Тошкент: O'zbekston, 2013. 256 б.
2. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Tafakkur, 2011. 378 б.
3. “Некис пединституты” газетаси, 2018 йил, 15 февраль, № 3.
4. “Қарақалпақ әдебияты” газетаси, 2014 йил, февраль № 2.

5. “Қарақалпақ әдебияты” газетаси, 2018 йил, март № 3.
6. “Қарақалпақ әдебияты” газетаси, 2014 йил, март № 3.
7. “Қарақалпақ әдебияты” газетаси, 2013 йил, март № 3.
8. “Қарақалпақ әдебияты” газетаси, 2015 йил, март № 3.
9. “Қарақалпақ әдебияты”
газетаси, 2012 йил, март № 3.